

Шоҳида Норкуловна АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети катта ўқитувчиси,
филология фанлари доктори (PhD)
shohi66@mail.ru

ТИЛШУНОСЛИКДА ТЕРМИНЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ КЛАССИФИКАЦИИ ТЕРМИНОВ В ЛИНГВИСТИКЕ

PROBLEMS OF CLASSIFICATION OF TERMS IN LINGUISTICS

Аннотация: Терминлар мантиқий, лингвистик, илмий ва бошқа тамойилларга кўра турли хил таснифларга ажратилади. Терминлар касбий соҳада юзага келадиган ҳодисалар, концепциялар, феноменларни тавсифлаш воситалари саналади. Термин контекстдан ташқарида моҳият касб этмайди. Мақолада терминологик тушунчаларни таснифлаш зарурати, терминологик лексиканинг фарқли хусусиятлари, терминологияни тартибга солиш ва тизимлаштиришда таснифлаш тизимини яратиш зарурлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: термин, терминология, лексика, концепция, коммуникация, элемент, лексико-семантик, мотивация, грамматика, структура, стилистик маъно, тил меъёрлари.

Аннотация: Термины разделены на различные классификации в соответствии с логическими, лингвистическими, научными и другими принципами. Термины - это средства описания событий, понятий, явлений, происходящих в профессиональной сфере. Термин не имеет значения вне контекста. В статье анализируется необходимость классификации терминологических понятий, особенности терминологической лексики, необходимость создания системы классификации в регулировании и систематизации терминологии.

Ключевые слова: термин, терминология, лексика, концепция, коммуникация, элемент, лексико-семантический, мотивация, грамматика, структура, стилистическое значение, языковые нормы.

Abstract: Terms are divided into different classifications by logical, linguistic, scientific, and other principles. Terms are a means of describing events, concepts, phenomena occurring in the professional

sphere. The term has no meaning out of context. The article analyzes the need to classify terminological concepts, features of terminological vocabulary, the need to create a classification system in the regulation and systematization of terminology.

Key words: term, terminology, vocabulary, concept, communication, element, lexical-semantic, motivation, grammar, structure, stylistic meaning, linguistic norms.

Бугунги кунда терминологияда ўз ифодасини топган тушунчаларни таснифлаш имконияти ва зарурати терминологик лексиканинг умумхалқ тилига нисбатан фарқли хусусияти сифатида кўриб чиқилади. Чунки терминлар маълум илмий концепция билан боғлиқ, уларда илмий кашфиётлар, тадқиқотлар ҳамда назарий ва амалий натижалари ўз ифодасини топади. Терминлар махсус касбий соҳалардаги коммуникация, у ёки бу касбий соҳада юзага келадиган ҳодисалар, концепциялар, феноменларни тавсифлаш воситалари саналади. Бу табиий равишда ватанимиз, хориж олимларининг терминларни тартибга солиш, унификация қилиш ва тизимлаштириш учун уринишларига олиб келади. Терминларни махсус соҳалар бўйича таснифлаш ва тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга: у илм-фан, ижтимоий соҳаларнинг маълум даврдаги тадрижий ривожланиш даражасини акс эттиради [1;-Б.63]. Гап шундаки, алоҳида олинган термин контекстдан ташқарида моҳият касб этмайди. Термин терминосистемада, яъни ўз тизими ёки бошқа махсус, кичик (ихтисослашган) тизимларнинг терминлари билан узвийлигида иштирок этади [2;-Б.135]. Масалан, «молия» лексемаси «банк», «иктисодиёт», «ғазначилик», «бухгалтерия-аудит», «кредит» ва бошқа шу каби соҳаларда қўлланганда ўзига хослик касб этади ва махсус соҳа термини айланади. Шу боис терминга муносабат, унинг термин сифатидаги моҳиятини тўғри тушуниш жамият ҳаётининг у ёки бу жабҳасини таъминлайдиган терминосистемада ўзлаштириш орқали шаклланади.

Мутахассисларнинг терминологияни тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида таснифлаш тизимини яратиш зарурлиги ҳақидаги фикр ва қарашлари турлича бўлиб, Свен Якобсаннынг фикрига кўра: «...ижтимоий фанлар терминологиясида стандартлаштиришнинг мавжуд эмаслиги қатор

фанларда янги тушунчаларнинг чекланмаган даражада ортишига олиб келди»[3;-Б.355]. Жуан Сагер эса: Махсус фан соҳаларининг терминологик майдонлари умумий тилнинг лексик майдонларидан фарқ қилиши лозимлигини таъкидлайди [3;-Б.358].

«Three types of terminologies» (Терминологияларнинг уч тури) мақоласида швед тилшуноси Свен Якобсон терминологиянинг тизимлилигини стандартлаштиришда, яъни терминнинг академик ёки касбий фаолият соҳасида мустақамланишида эканини уқтириб, терминологиянинг қуйидаги уч турини ажратиб кўрсатади:

а) стандартлаштиришга бўйсунадиган, нотўғри талқиннинг олдини олиш имконини берадиган, терминлар ва экстралингвистик омиллар натижасида юқори даражада мувофиқ келадиган академик ёки касбий терминология;

б) фойдаланувчи томонидан терминнинг фаол қўлланилишига таъсири кўпроқ бўлган академик ёки касбий терминология;

с) терминосистема ва умумадабий тил перифериясида юзага келадиган, меъёрлаштирилишга қаратилган уринишларга қарамай, кўп ҳолларда оддий тил каби ривожланиш йўналишига эга бўлган терминология [4;-Б.356].

Манбаларда келтирилишича, биринчи турга мансуб терминологиялар фан ва технологиялар учун характерли экани таъкидланади.

Ғарб терминшунослик концепцияларини В.М.Лейчик таҳлил қилар экан, энг аввало, улар асосида Э.Вюстер ва унинг издошлари мактаби томонидан шакллантирилган тушунчалар тизими муҳим роль ўйнашига ишора қилади. «Агар у фақат «вертикал муносабатлар»дан иборат бўлса, у «дивизионал тизим» («divisional system») деб юритилади ва ўзининг тадрижий ривожланиш хусусиятларига кўра кўп иерархик саналади. Агар тушунчалар тизими нафақат вертикал муносабатлардан, балки мутлоқ «новертикал муносабатлар»дан таркиб топган бўлса, у «комбинатор тизим» («combinatorial system») ҳисобланиб, ўзининг формал хоссаларига кўра полииерархикдир. Иккинчи ҳолатда бундай «тасниф»нинг мантиқий хоссалари, уни тасниф қилиш усуллари ҳамда тамойиллари ўзгачадир, чунончи, терминологик тушунчаларни изчилликда таснифлаш усули бир-биридан фарқ қилади» [5;-Б.4].

В.В.Касьянов, инглиз-америка тадқиқотчиларининг терминология соҳасидаги ишларига шундай муносабат билдирган: таҳлилга тортилган ишларнинг ўхшашлиги терминларнинг ҳосил бўлиш манбалари ва усуллари таҳлил қилиш жараёнида кўзга ташланади. Бу ҳолат инглиз тилида терминларнинг семантик гуруҳини ажратишда намоён бўлади: терминларнинг айримлари умумадабий тилдан ўзлаштирилган бўлса; баъзилари бошқа тиллардан ўзлаштирилган; бир қисми калькалаш усули орқали интернационал элементлардан ҳосил қилинган байналмилал сўзлардир [6;-29 б].

XX Аср ва XXI аср бошларида нашр этилган терминологик адабиётларда терминларни таснифлашга доир турлича ёндашув ва нуқтаи назарлар мавжуд эди. Кўп қиррали ҳодиса саналган терминлар мантиқий, лингвистик, илмий ва бошқа тамойилларга кўра турли хил таснифларга ажратилган. Мазкур таснифлар умумлашган ҳолда терминларнинг жамият ҳаётидаги илмий, иқтисодий, сиёсий, бошқарув ҳамда бошқа соҳалардаги роли ва ўрнини белгилайди. «Терминларни тизимлаштиришда уларни мазмунига, шаклига, функционал-вазифасига, тилнинг ички ва ташқи белгиларига кўра лексик-семантик жиҳатдан гуруҳлаш мумкин. Табиийки, тадқиқотда санаб ўтилган барча таснифлар муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда терминларни турдош бирликлардан ажратиш; бошқа томондан эса терминологик тамойиллар асосида уларнинг семантик белгиларга мувофиқ барча турларини гуруҳлаш мақсадга мувофиқ» [7;-Б.88].

Терминологик тизимни таснифлаш ва тавсифлаш ғоялари терминларни тартибга солиш мезонларига кўра қай тарзда амалга ошириш соҳа лексикасининг таркибий конгломератига (қоришмасига) кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу ўринда таснифладиган терминларни турли асосларга кўра ажратишнинг мантиқий методи сифатида (Д.С.Лотте, Т.Л.Канделаки) структуралаш (тушунчаларни гуруҳлаш, кейинчалик тегишли терминларни семантик жиҳатдан гуруҳлаш) сифатида тушунилиши мумкин. «Тизим деганда биз терминологик элементларни муайян лексик-семантик муносабатлар ёрдамида ўзаро боғланган бутунликни тушунамиз. Тизимлилик, таснифлаш ва тавсифлаш тушунчалари ва

терминологиянинг тизимлилиги муайян соҳа билимларининг тизимлилиги билан чамбарчас боғлиқ»[8;-Б.55].

Т.Л.Канделаки ва Г.Г.Самбулова турли лисоний белгилар терминологиянинг мантикий-семантик структурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлаган ҳолда, бу борада амалга оширилган ишларда таҳлил қилиш натижасида икки ҳолатни алоҳида фарқлаб кўрсатади:

1. Таснифда қўлланадиган ҳар бир лисоний белги таснифланаётган тушунчалар ёки объектларнинг барчасига нисбатан қўлланилиши мумкин.

2. Тушунчалар ва объектларнинг муайян қисмига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган белгилар мавжуд.

Т.Л.Канделаки ва Г.Г.Самбулова биринчи ҳолатда лисоний белгиларнинг мустақиллиги ҳамда юзага келадиган «параллел типдаги тасниф» ҳақида, иккинчи ҳолатда эса, белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, «изчил типдаги тасниф» ҳақида фикр юритади [9;-Б.23]. Терминларни яратиш (ҳосил қилиш), таснифлаш, уларни тўғри қўллаш муаммосига қўплаб мутахассислар ижтимоий-гуманитар фанлар билан бир қаторда, табиий фанлар доирасида ҳам мурожаат қилишган. Айнан лингвистика соҳасидаги бу фаолият кўлами кенг қамровлидир. Ваҳоланки, барчасининг таҳлили натижасида умумий фикр терминологик тамойилларни, тушунчалар ва категорияларни ташкил этувчи терминологик тизимларнинг ўзига хос семантик гуруҳларини аниқ ажратиш, типологик нуқтаи назардан ишлаб чиқиш шартлиги билан изоҳланади. Чунончи, А.Н.Барановнинг ёзишича, терминларни таснифлаш асосида уч асосий белги: терминологик бирликларни ўзлаштириш учун манба бўлган фан соҳаси; терминларни ўзлаштириш жараёнида соҳа мутахассисларга юклатиладиган эвристик ёндашувлар мажмуи; терминларни фаол қўлланиш соҳалари [10;-Б.96]. Аслида, аксарият тилшунослар терминларни яшаш (ҳосил қилиш), уларни таснифлаш масаласида шакл ва маъно хусусиятларининг ўзига хос эканлиги долзарб, деб қайд этади.

Бугунги кунда мавжуд таснифларнинг тўлиқ шарҳи В.М.Лейчик томонидан келтирилган бўлиб, муаллиф тушунчаларни ажратишнинг

15 та асосий ифодаланган жадвалини ишлаб чиққан. Улар асосида эса терминшунослар томонидан қўлланадиган таснифнинг 10 та тури шакллантирилган. Улар қуйидагилар:

1) ифодаланаётган тушунча турига (терминлар типологияси) кўра – умумилмий ва умумтехник терминлар, соҳалараро терминлар, тор ихтисосликка оид терминлар;

2) муайян билим соҳасига кўра (номлаш (номинация) объекти бўйича тасниф) – илмий терминлар, техник терминлар, маъмурий-сиёсий терминлар, ижтимоий-маданий терминлар;

3) мантикий категорияларга кўра (мантикий тасниф) – объектларни ифодаловчи терминлар, жараёнларни ифодаловчи терминлар, муайян белгиларни ифодаловчи терминлар, ўлчов-ҳажмларни ифодаловчи терминлар;

4) абстракция (мавҳумлаштириш) даражасига кўра (фалсафий тасниф) – илмий-назарий терминлар, кузатув жараёнига оид махсус терминлар;

5) муаллифликка хос – ижтимоий соҳаларда қўлланиладиган терминлар, индивидуаллика хос терминлар;

6) қўлланиш хусусиятига кўра – универсал терминлар, кам қўлланилувчи терминлар;

Кейинги иккита: 5 ва 6 рақам остидаги таърифлар, В.М.Лейчикнинг фикрича, социологик тасниф учун асос бўлиб хизмат қилади;

7) функционал-вазифасига кўра – муайян билимларни ифода этувчи терминлар, муайян соҳа асбоб-анжомлари ва жиҳозларини ифода этувчи терминлар, илм-фанга оид терминлар;

Қуйидагилар эса лингвистик таснифлар учун асос ҳисобланади:

8) грамматик структурасига кўра – термин-сўзлар/лексемалар, термин-сўз бирикмалар, термин-аббревиатуралар/акронимлар, символ-сўзли терминлар ва ҳ.к.:

9) семантик жиҳатига кўра – бир маъноли терминлар, кўп маъноли терминлар, эркин сўз бирикмалари шаклидаги терминлар, турғун сўз бирикмалари (жумладан, фразеологизмлар) шаклидаги терминлар;

10) мотивацияланганлигига кўра – тўлиқ мотивацияланган терминлар, қисман мотивацияланган терминлар, мотивацияланмаган терминлар, сохта мотивацияланган терминлар;

11) манба тилига кўра – «асос бўлиб ҳисобланадиган тил», яъни миллий тил асосида яратилган терминлар, ўзлашма терминлар, байналмилал терминлар, гибрид терминлар;

12) муайян сўз туркумига мансублигига кўра – от сўз туркумига оид терминлар (субстантивацияланган сўз бирикма шаклидаги терминлар), термин-феъллар, термин-сифатлар, термин-равишлар;

13) матнда фаол қўлланиш частотасига кўра – юқори частотали терминлар, ўрта частотали терминлар, паст частотали терминлар;

14) меъёрлаштирилганлигига кўра (меъерий тасниф) – стандартлаштирилган терминлар, тавсия қилинган терминлар, таъқиқланган терминлар, тавсия қилинмаган терминлар, параллел қўлланилувчи терминлар, пассив (нофаол) терминлар;

15) замонавийлик муносабатига кўра (тарихий тасниф) – термин-неологизмлар (янги кириб келган терминлар), термин-историзмлар (тарихий терминлар), термин-архаизмлар (эскирган термин-сўзлар) [4;Б.33-34].

Таснифларнинг хилма-хиллиги бугунги кун мутахассисларига уларнинг турли типларини бирлаштириш ва вариациялаш, терминологик майдонларни тадқиқ қилиш доирасида ўзининг гибрид таснифларини яратади. О.Л.Арискинанинг ёзишича: оламни, илм-фанни, тафаккурни ва ҳоказоларни муаллифлик қабул қилиш ҳисобига, (яъни муаллифлик ҳуқуқи ҳисобига деса ҳам бўлади (бизнинг изоҳ) барча шакллантирилган моделлар мавжуд бўлиш ҳуқуқига эгадир [11;Б.17-19]. Т.В.Шетле банк терминологиясининг тизимлилиги масалаларига бағишланган тадқиқотида ижтимоий-гуманитар фанлар терминологиясини яратиш ва ривожлантиришда объектив баҳолашнинг ҳолислигини кўрсатиб ўтади [12;-Б.89].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, терминнинг табиатини ўрганишга турлича ёндашувлар мавжуд деб ўйлаймиз. Терминларни таърифлашнинг турли аспектларини ҳисобга олган ҳолда, уларга таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий муҳит, термин ҳосил қилишнинг ўзига хосликлари, терминларни соҳалараро интеграциясидаги иштирокини инобатга олган ҳолда тизимлаштириш ва типологиялашдек ягона илмий таснифини ишлаб чиқишига олиб келди. Терминологик тизимни таснифлашга оид хилма-хил ғоя ва

концепцияларнинг мавжудлиги тадқиқотда терминларнинг таснифларини ишлаб чиқиш жараёнида муайян тўсиқларни ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлди. Терминларни таснифлаш асносида ўрганилаётган соҳа терминологик бирликларининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг кенг, тор қамровдаги лексик-семантик, грамматик, стилистик маъноларини ажратиш, терминологик бирликларнинг ифода шаклидан қатъий назар бошқа тилда, тил меъёрларини сақлаган ҳолда тўғри қўллаш ва тўғри таржима қилишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Юлдашев И.Ж. Ўзбек китобатчилиқ терминологияси, шаклланиши, таракқиёти ва тартибга солиш: Филол.фан. д-ри. ... дисс. –Т., 2005.–323 б
2. Городецкий Б.Ю., Раскин В.В. – Термины с лингвистической точки зрения //Науч. симпозиум «Место терминологии в системе современных наук»: Тез. докл. и сообщ. – М., 1969. – С.134-141
3. Sageder D. Terminology Today: A Science, an Art or a Practice? Some Aspects on Terminology and Its Development Brno Studies in English Volume 36, No. 1, 2010. – P.123-134. <http://www.phil.muni.cz/plonedata>
4. Лейчик В.М. Шеллов С. Д. Лингвистические проблемы терминологии и научно-технический перевод. Ч.II. Выпуск 18-й. – М., 1990. – 80 с.
5. Касьянов В.В. Сопоставительный анализ современной терминологии финансовой деятельности в английском и русском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. –29 с.
6. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М.: Изд-во ЛКИ, 2007. – 256 с.
7. Никитина С.Е. Семантический анализ языка науки (на материале лингвистики). – М.: Наука, 1987. – 143 с
8. Касьянов В.В. Сопоставительный анализ современной терминологии финансовой деятельности в английском и русском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001. –29 с.
9. Баранов А.Н. Введение в прикладную лингвистику. –М.: 2003. –360с.
10. Бронникова Д.Л. Сравнительно–сопоставительный анализ терминологического корпуса подязыков альтернативного топлива и электроники (по данным частотных словарей): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009. – 21 с.
11. Арискина О.Л. Модели терминологического знака. Вестник Челябинского государственного университета. – №31 (322). Филология. Искусствоведение. Вып. 84. 2013. – С. 17–19.
12. Шетле Т.В. К вопросу о системности терминологии банковского дела //Язык, сознание, коммуникация: Сб.статей. – М.: МАКС Пресс, 2007. –Вып. 35. – С.87-103